


002
П-32

13
М. Иудаев



бр. 232241

ҚАЛАМИ НАЙЗА ЭДИ



ФРАН ХАКИДА
СУҲБАТЛАР




Т. ПИДАЕВ

002
П-32

ҚАЛАМИ НАЙЗА
ЭДИ

бр. 232261

22



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1971

К

Бу қалам соҳибини барҳаёт ҳамкасблари чуқур эҳтиром ва ҳурмат билан ёдга оладилар. Унинг ижодий фазилатларини ёшларимизга ўрнак қилиб кўрсатадилар. Бу — ўзбек совет матбуотининг жонкуярларидан бири, жанговар журналистик қалами билан республикамизда социалистик қурилишнинг ленинча режаларини рўёбга чиқариш учун курашда фаол иштирок этган довюрак ва заҳматкаш журналист Комил Алиевдир.

Йигирманчи йилларнинг иккинчи ва ўттинчи йилларнинг биринчи ярмидаги ўзбек совет журналистикаси ва сатирасининг йирик намояндаларидан бўлган Комил Алиевнинг ижоди ҳанузгача атрофлича ўрганилган эмас. Ҳолбуки, унинг меросини тўплаш ва ўрганиш фақат тарихий жиҳатдангина эмас, балки, партиямиз матбуот, радио ва телевидение ходимларининг кишиларимизни коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли ҳамда ижодий маҳоратини тобора юксалтириш, матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш масалаларига катта эътибор бераётган ҳозирги кунларда тарбиявий жиҳатдан ҳам муайян аҳамиятга эгадир. Қ. Алиев яратган журналистик асарларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда

ҳам намуна олишга арзиди, ўқувчига маънавий озиқ беради.

Ҳурматли китобхонларга тақдим этилаётган мазкур рисола Комил Алиев ижодини ўрганишга бағишланган дастлабки уринишдир.

Комил Алиев 1905 йил 25 июлда Тошкентнинг Октябрь районидаги Сақичмон (ҳозирги Саъдий) маҳалласида, камбағал касиб оиласида туғилган. У аввал эски мактабда, Октябрь инқилобидан кейин эса, Лангар маҳалласидаги «Шамсул-урфон» мактабида ўқиди. Ўзининг ўткир зеҳни билан устозларининг ишонч ва ҳурматини қозонган Комил ўқишни битиргач, шу мактабда ўқитувчи қилиб қолдирилди. Бироқ, бу касбда узоқ ишламади. Шахсий ҳужжатларидан билинишича, у 1921 йилнинг кўкلامидан Туркистон Ишчи-Дехқон Назорати Халқ Комиссарлиги Сирдарё область бўлими ҳузуридаги раҳбар комиссиянинг котиби бўлиб ишлаб бошлади. Шу кезларда у мазкур комиссарлик ташкилот-инструкторлик бўлимининг йўлланмаси билан Тошкентнинг эски шаҳаридаги муассаса, корхона ва ҳунармандчилик артелларида Ишчи-Дехқон Назорати Халқ Комиссарлигининг кўмакчи ячейкаларини тузишда қатнашди. 1922 йилнинг ёзида у Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети қошидаги миллий ишлар комиссиясининг қабулхонасида иш юритувчи котиб бўлиб хизмат қилди.

Шу йилнинг кузагида Комил Алиев РКСМ Урта Осиё бюросининг топшириғига мувофиқ Хива Коммунистик Ишлар Союзи Марказий Комитети ҳузурига ишга юборилди. Хивадан қайтгач, сақланиб қолган ҳужжатларидан аён бўлишича, Комил Алиев «Туркистон» газетаси



идораси қошида тузилган Марказий мухбирлар бюросининг муваққат раиси бўлиб ишлаган, Туркистон Республикаси Ишчи-Дехқон Назорати Комиссарлиги Тошкент шаҳар бўлимида ҳамда Меҳнаткашлар депутатлари эски шаҳар Советининг халқ маорифи бўлими қошидаги сиёсий-оқартув комитетида хизмат қилган, жойларда шу ташкилотлар томонидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда қатнашган.

Комил Алиевнинг бевосита газета ишига ўтмасдан аввал қандай вазифаларда меҳнат қилганлигига оид маълумотларни батафсил баён қилишга ҳаракат қилганлигимизнинг асосий сабаби — муҳтарам китобхонга Комил Алиевнинг матбуотга ишга ўтгунга қадар давлат ва жамоат ишларида актив қатнашиб, дурустгина ҳаётий тажрибага эга бўлганлигини англатишдир.

Комил Алиев совет идораларида турли вазифаларда ишлаш билан биргаликда, жамоатчи мухбир сифатида вақтли матбуотда ҳам ҳамкорлик қила бошлади, худди шу йилларда унда газетачиликка катта иштиёқ пайдо бўлди ва умрининг охирига дақиқаларига қадар бу иштиёқ унинг қалбида ёниб турди. Унинг турли мавзуларда ихчам ёзилган мазмундор хабар-мақолалари «Қизил байроқ», «Туркистон», «Ёш Шарқ» газеталарида тез-тез босилиб турарди. Унинг журналистик қобилиятини сезган редакция ходимлари Комил Алиевга тез-тез топшириқлар бериб туришди. Атоқли ёзувчимиз ва журналистимиз, ўз ижодий фаолиятини «Қизил Ўзбекистон» газетаси идорасида бошлаган Абдулла Қаҳҳор ўзбек вақтли матбуотининг ўша даврдagi аҳволини эслаб бундай ёзганди: «Ўзбек Қи-

зил матбуоти, биринчи навбатда газеталар қаерда йилт этган умидли ёш қаламни кўрса, дарров редакцияга ёки редакция атрофига тортиб, амалий ишда тарбиялаш, журналист қилиб етиштириш пайдан булар эди. Ҳозирги кекса ёзувчиларимиз, журналистларимизнинг деярли ҳаммаси газета ва журналлар қаноти остида уша «умидли ёш қаламлар»дан етишиб чиққан дейиш мумкин»¹.

Комил Алиев ҳам ана шундай умидли ёш қаламлардан бири эди. У 1924 йилнинг охирида «Туркистон» газетасининг Эски Тошкент бўйича сайёр мухбири қилиб ишга олинди. Янги ва Эски Тошкентдаги муассаса ва корхоналарнинг ишидан яхши хабардор бўлган Комил Алиев 1924 йил 5 декабрдан «Туркистон» газетаси ўрнига чиқа бошлаган «Қизил Ўзбекистон» газетаси идорасида ҳам аввалига сайёр мухбир бўлиб ишлади. Тезкор ва зийраклиги, қаламининг ўткирлиги, ташкилотчилиги билан кўзга ташланган Комил Алиев 1925 йилнинг ёзида идоранинг партия ҳамда ишчилар турмуши бўлими мудирининг ўринбосари қилиб тайинланди. Шу йил кузагида у «Қизил Ўзбекистон» ва «Камбағал деҳқон» газеталарининг махсус мухбири қилиб Зарафшон вилоятига юборилди. Комил Алиев вилоят мухбири бўлиб ишлаган даврда ҳар икки газетани Зарафшон вилоятининг ҳаётига доир материаллар билан таъминлаб туришдан ташқари, газета ва журналларга обуна қилиш, жамоатчи мухбирларга консультациялар бериш ишлари билан ҳам шуғулланди. Бир вақтнинг ўзида у «Озод Бухоро» номли Зарафшон ви-

¹ «Қизил Ўзбекистон» газетаси 10.000-сонининг чиқишига бағишланган махсус журнал. Тошкент, 1958 йил, 28-бет.

лоят газетаси идорасида ишчи-деҳқон бўлимининг мудири вазифасида ҳам ишлаб, «Озод Бухоро» газетаси атрофига жамоатчи мухбирларни уюштиришда катта хизмат қилди. 1927 йилнинг бошида у «Қизил Ўзбекистон» идорасига қайтарилиб, газетанинг маҳаллий, ишчи-касаба союзлари турмуши ва қишлоқ бўлимининг мудири, 1928 йилдан расман «Қизил Ўзбекистон» фельетончиси, 1929 йилда бир муддат «Қизил Ўзбекистон» газетаси идорасининг вақтинча саркоотиби, сўнгра яна фельетончи, 1930 йилда «Қизил Ўзбекистон» ва «Камбағал деҳқон» газеталарининг республика бўйича сайёр мухбири, 1931 йилнинг I февралидан эса «Қизил Ўзбекистон» газетаси қишлоқ хўжалик сектори мудирининг муовини, кейин яна сайёр мухбир, оммавий ишлар бўлимининг мудири вазифаларида ҳормай-толмай меҳнат қилди. Унинг 30-йилларнинг иккинчи ярмида бир муддат «Илғор Сурхон учун» область газетаси идорасида ишлаганилигини истисно қилганда, Комил Алиев умрининг охирига қадар отахон газетамиз «Қизил Ўзбекистон» идорасида ишлади, шу газетанинг камолоти йўлида жон кўйдирди.

Комил Алиевнинг журналистик ижоди асосан 1926—1932 йилларда шаклланди ва у шу даврда сермаҳсул ижод қилди. Бу даврда Коммунистик партиямиз мамлакатимизда социалистик экономика пойдеворини яратиш учун қизгин кураш олиб борди. Мамлакатни социалистик индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати бу курашнинг галабасини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Янги экономика асосларини яратиш учун кураш шаҳар ва қишлоқ буржуазияси-

нинг қолдиқларига қарши шиддатли синфий кураш жараёнида амалга оширилди. Мазкур даврда Ўзбекистонда ҳам социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигини барпо қилиш учун катта ишлар қилинди. Чунончи, республика қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга тайёрлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлган ер-сув ислоҳоти, социалистик хўжалигимизни кадрлар билан таъмин этишда ва хотин-қизларни чинакам озодликка чиқаришда муҳим роль ўйнаган «Хужум» оммавий-сиёсий кампанияси, танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш асосида меҳнаткаш омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини кучайтириш, давлат аппаратининг ишини яхшилаш ва янада такомиллаштириш, бюрократизмга қарши кураш ва қатор бошқа муҳим хўжалик-сиёсий кампаниялар худди ана шу йилларда ўтказилди. Шунингдек, бу даврда янги турмуш нормалари учун, янги маданият учун, саводлилик учун шиддатли кураш олиб борилди, эскилик сарқитларига ва уларни ташиб юрувчиларга қарши беомон ўт очилди. Комил Алиев ана шу курашларда фалол қатнашди, қаламкаш сифатида тобланди, ўз асарларида давр ҳаётининг реал манзарасини тўла ва жозибали акс эттиришга, партиямиз ҳал қилган ҳамма энг муҳим масалаларни журналлистга хос тезкорлик ва зийраклик билан ўз ижодида ёритишга интилди. 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда нашр этилган бирорта йирик газета ёки журнал йўқки, унда Комил Алиев хабари ёки мақоласи, репортажи ёки очерки, рецензияси ёки фельетони, ҳисоботи ёки лавҳаси босилмаган бўлсин. Комил Алиев ўзбек вақтли матбуотида ана шу жанрларнинг шаклланишига ўз ижоди билан

баракали таъсир кўрсатди. У яратган журналистик асарларнинг кўпчилиги «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилгандир. Журналист асарларининг нодир намуналари «Қизил Ўзбекистон» газетаси энг яхши сонларининг кўрки бўлиб, улар миллий журналистикамиз мазмунини белгиловчи асарлар қаторидан жой олишга лойиқдир.

Комил Алиев ижоди кўп қиррали бўлиб, у журналистика жанрларининг қарийб ҳамма турида маҳорат билан қалам тебратди. Унинг қишлоқларда рўй бераётган социалистик ўзгаришларни ҳикоя қилувчи хабар-мақолалари ҳам, суд процесслари ҳақидаги ҳисоботлари, янги қурилишлардан ёзган репортажлари, турли-туман мавзулардаги кўпчилик фельетонлари ҳам, кинофильмлар ва сахна асарларига берган тақризлари ҳам зўр қизиқиш билан ўқилади. Комил Алиев айрим асарларни замондош ҳамкасблари билан ҳамкорликда яратди. Чунончи, у қадрдон дўсти, отахон шоиримиз ва журналистимиз Фафур Фулом билан биргаликда Олмалиқ кончилари ҳақида, Турксиб темир йўли қурилиши тўғрисида ажойиб репортажлар, очерклар ёзди. Пешқадам журналистлардан Аъзам Аюпов ва Зиё Саид билан ҳам ижодий ҳамкорлик қилди.

Комил Алиев ижоди билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда ғоявий эътиқоди мустаҳкам, партия, меҳнаткаш халқ ишига садоқати кучли инсон ва қаламкаш гавдаланади. У истиқболи порлоқ, мақсади аниқ, дунёни социалистик асосда қайта қуришга қодир бўлган бирдан бир синф— ишчилар синфи позициясида қатъиян туриб қалам сурди, курашди, шу синфнинг интилишлари, мақсадлари билан яшади, унинг идеалларини рўёбга чиқаришга кўмаклашди. У меҳнат аҳлининг

зафарияти ва «сармоянинг ҳалокати» шу қадрига ҳамда қонуний эканига, Ленин ғояларининг енгилмаслигига чуқур ишонди. Комил Алиевнинг қатор мақолаларида Россия ишчилар синфи амалга оширган Буюк Октябрь инқилоби, шу инқилоб заминида вужудга келаётган турли ўзгаришлар енгилмас денгиз тўлқинига муқояса қилиниши бежиз эмас. Бу шунчаки ўринли ишлатилган образли ўхшатини бўлибгина қолмай, балки журналист қалбидаги меҳнат аҳлининг буюк қудрати, зафариятига бўлган ишончнинг ажойиб ифодасидир. Биз унинг колхоз қурилиши мавзуидаги чуқур партиявийлик ва интернационализм руҳи билан суғорилган «Денгиз тўлқинланди» сарлавҳали мақоласида ушбу эҳтиросли сатрларни ўқиймиз: «Дастлаб юз, минг, бора-бора ўн минг, юз мингларни ўз ичига олган колхозлар ҳаракати айнизамонда катта бир тўлқин ҳолатига айланди.

Денгиз кучли, ҳайбатли, ҳайқириб, пишқириб тўлқинланади. Кундан-кун ўз доирасини кенгайтириб, ўз қучоғига миллионларни олган ҳолда илгари жилади. Янги соҳилларга чиқади. Қаршисига келган ҳар қандай куч, тўсиқни босиб тебранади ва ниҳоят, унда социализм бўрони авж уради...

Иттифоқ пролетариатининг ёрдами, большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида ўз борлигини кўрсата билган, оламшумул донг эгаси бўлиш шарафига эришган батрак, камбағал, ўрта ҳоллар миллионининг бу тўлқини қаршисида ўзининг илвиллаган, йўқ бўлиб битаётган гавдаси билан «ётиб қолгунча отиб қол» қабилида иш кўрган муштумзўр ҳам ғимирлайди. У бу катта денгиз ҳаракатини тўхтатишга, унинг жўш урган

мавжанини насангиришига уринади ва ниҳоят ўз ҳа-
ракатини сезган бу душман бор кучини тўплаб,
тўлқинга қараб пишқиради, тўймас оч кўзларини
жон ҳалписидан катта очиб соҳилни кўзлайди.

Бироқ, бу тўлқинлардан соҳилга чиқиш, унинг
кучли зарбасидан бош қутқариб қолиш мум-
кинми?

— Ҳеч!

Чунки, сармоянинг ҳалокати, муштумзўр-
нинг синфлик қуролининг парчаланиши табиий
ва мажбурий»¹.

Комил Алневнинг бутун журналистик ижоди
ана шундай юксак оптимизм, тетиклик ва со-
циалистик ўзгаришларнинг ғалабасига чуқур
ишонч руҳи билан сугорилган.

Озод меҳнат нашидасини, ишчи-деҳқонлар
оммасининг социалистик қурилишнинг турли
жабҳаларида намоён қилаётган жасоратли
меҳнатини, яратувчилик ишини шарафлаш, ин-
сонлар асрлар давомида орзу қилган эркин,
бахтиёр турмушнинг, социалистик жамиятнинг
фақат ижодий, мардона меҳнат эвазига бунёд
булажаги ҳақидаги ғояни меҳнаткашлар онига
сингдириш журналист ижодида, хусусан, унинг
хабар, корреспонденция, репортаж жанридаги
материалларида муҳим ўрин тутди. Ўз ташаб-
буси билан ариқ қазиб, Ёзёвон чўлларига ҳаёт
бахш этишга бел боғлаган фарғоналик қалдир-
ғоч чўлқуварлар («Чўлларни гулистон қила-
миз»), Турксиб темир йўли қурувчилари, Олма-
лиқ кончилари, Чирчиқ қаҳрамонлари ва
Сельмаш азаматлари, пахта учун кураш илғорла-
рининг меҳнат жасоратини мадҳ қилувчи талайги-

¹ „Қизил Ўзбекистон“, 1930, 31 октябрь.

на мақола ва репортажларида журналистнинг бу фазилати кўзга ёрқин ташланади.

Комил Алиев кундалик ҳаётда содир бўлаётган янгиликларни, ижобий ҳодисаларни, намуналарни кенг ёритиш, фаол қувватлаш, уларни ўртак қилиб кўрсатиш билан бир қаторда, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларидаги мавжуд салбий ҳодисаларга, эски турмуш сарқитларига, нуқсон ва камчиликларга қарши аёвсиз кураш ҳам олиб борди. Бу курашда у сатирик журналистика жаирларидан, хусусан, фельетондан моҳирона фойдаланди. Комил Алиев «Қизил Ўзбекистон» газетасининг етакчи фельетончиси сифатида айниқса катта шуҳрат қозонган эди. Ундан қолган журналистик мероснинг ҳам каттагина қисмини фельетонлар ташкил қилади. 30-йилларнинг бошларида унинг «Бомба» (1932 йил) ва «Давр душманлари» (1933 йил) номли икки тўплами нашр қилинди.

Комил Алиев ўз фельетонларида давр, ҳаёт тақозо қилган энг муҳим мавзуларга мурожаат қилди ва уларни ўткир тил билан таъсирли қилиб ёрита олди. У, партиямизнинг социалистик қурилиш борасидаги ленинча режаларини бузишга уринганларни, ер-сув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, колхоз тузумининг душманларини, уларнинг партия, совет ва бошқа ташкилотларга суқилиб кириб олган ҳомийларини, реакцион руҳонийларни, буржуа миллатчиларини ва уларнинг чиркин мафкурасини, расмиятчи ва порахўрларни — хуллас, янги ижтимоий тузумнинг барча душманларини, янги жамиятга доғ туширувчи ҳамма ҳуснбузар иллатларни беомон қош қилди, янгилик йўлидаги ғовларни йўқотишда катта матонат ва жасорат кўрсатди.

Комил Алиев муштумзўрлар ва уларнинг шўро идораларига «уя қурган» ҳомийлари ҳақида ҳам бир қатор ўткир фельетонлар яратди. «Аламзадалар», «Ерга қаранг, бурнингиз қонаётир», «Ёт мафкуранинг уруғ-аймоқлари», «Ўнг кўчада бир жавлон» фельетонлари шулар жумласига киради.

Комил Алиев сатирик қалами билан фақат синфий ёт унсурларгагина қарши жанг қилмади. У вақтинча тўғри йўлдан озганлар, сиёсий тажрибасизлиги ва синфий онгининг етишмаслиги оқибатида ёт идеология таъсирига берилганлар, ўз хулқи ва онгида феодал ўтмишнинг жирканч сарқитларини ташиб юривчиларга ҳам сатира тифини йўналтириб, партиямизнинг моддий ва маънавий юксалиши, социалистик ҳаётимизнинг мусаффолиги ва янги жамият кишининг баркамоллиги учун курашида жанговар кўмакдош бўлади. Унинг тўғри ва муросасиз танқиди қанчадан-қанча кишиларнинг ҳаётдан тўғри йўл топиб, яхшилар сафига қўшилиб, социализм бинокорлари сафидан муносиб ўрин олишларига ҳамдамлашди. Бугина эмас. У жанговар фельетонлари билан қанчадан-қанча софдил ва фаол кишиларни, аёлларимизни душманларнинг, ёт унсурларнинг қонли панжасидан, ёвуз ўчидан қутқариб қолди. Комил Алиев фельетончилик ижодининг гуманизми, инсонпарварлиги мана шу фактларда айниқса яққол намоён бўлади.

Еруглик, рушнолик сари интилганликлари учун душманлар, жоҳил ота-оналар ва эрлар томонидан жабрланган, камситилган, айрим бюрократлар, хизматчилар айби билан сарсон-саргардон бўлган қанчадан-қанча аёлларнинг матбуотимиз, унинг жанговар қаламкашларидан нажот

1922.6.1
топганликларни тарих ҳужжатларидан аёндир. «Хужум» кампанияси қизгин ўтаётган дамларда Комил Алиев номига республикамизнинг турли бурчакларидан аёллар арзи-додини ифодаловчи кўпдан-кўп хатлар келган. Уша кезларда бундай хатлар «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Озод хотинлар ойнаси» деган махсус рубрика остида ёритилиб турилган. Комил Алиев хатларни диққат билан ўрганиб, уларнинг эгаларига почта ёки газета саҳифаси орқали жавоб қайтарар, курашда саботли ва дадил бўлишга ундар, «Хужум» ғалабасига уларнинг ишончини оширар эди. Чунончи, унинг ўзбек аёли Энахон мактубига жавобан ёзган очиқ хати «Қўрқма, курашавер, Энахон!» деб сарлавҳаланган. У мактубини Энахонга ва унинг эркин турмуш учун курашаётган юзларча, мингларча дугоналарига далда берувчи: «Энахон, сен ўз хатингда душманлар Қизил байроқни кўтарган қўлимни синдириш, нишон таққан кўкрагимга ўқ узиш пайига тушганлар,— деб ёзибсан. Фақат сен қайғурма, қўрқма, курашавер, сенинг дўстларинг кўп!» деган сўзлар билан яқинлаган эди. Унинг номига, «Қизил Ўзбекистон» идорасига миннатдорлик туйғулари изҳор этилган хатлар кети узилмай келиб турарди.

Ўз меҳнатининг самарасини, одамларга келтираётган нафини яққол ҳис қилиш ижодкор учун катта бахтдир. Комил Алиев ана шу бахтга муяссар бўлганлардан эди. Бундан унинг ижодий илҳоми, журналистик иштиёқ ва ғайрати тобора жўш урарди.

Комил Алиев фельетонлари унинг ноёб ҳажвий истеъдод соҳиби бўлганлигидан далолат беради, ҳозирги кунда ҳам намуна олишга

арзийди. Комил Алиев ўз ижоди билан ўзбек совет журналистикасида фельетон каби жанговар жанрнинг таркиб топиши ва шаклланишига баракали таъсир кўрсатди. У — публицистик фельетон устаси эди, фельетоннинг бу турида ижод қилишда ўз даврида унинг олдига тушадиган қаламкаш бўлмаган десак, хато бўлмас. Комил Алиев фельетоннинг бу турида рус совет матбуотида ажойиб намуналар яратган Михаил Кольцов йўлидан борди. У фельетончилик маҳоратини эгаллашда Абдулла Қодирий ижодидан, айниқса унинг сатира тили борасидаги ибратли тажрибасидан баҳраманд бўлди. Шу билан бирга у ўзига хос ижодий услуб ярата олган маҳоратли ҳажвчи ҳамдир. Комил Алиев билан унинг замондошлари: Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Носир Саид ва ўша даврнинг бошқа етакчи фельетончилари орасида уларни бир-бирига яқинлаштирадиган ва фарқ қилдирадиган кўпгина жиҳатлар бор. Уларнинг ҳаммаси деярли бир хил мавзуларда ижод қилган бўлсалар-да, аммо танлаган мавзунини ёритишда ўзларига хос йўл тутганлар. Комил Алиев ўз фельетонларини уйдирма ҳодиса, фактлар асосига эмас, балки ҳаётда мавжуд, газетхонга таниш бўлган конкрет факт, ҳодисалар асосига қуради. Бошқача қилиб айтганда, унинг фельетонлари аниқ адресга эга, «қаҳрамонлари» реал кишилардир. Бундай фельетонларнинг таъсир кучини, нафини ўқувчи яққол кўради. Комил Алиев фельетонларининг омма орасида катта қизиқиш уйғотганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир. Абдулла Қодирий, Зиё Саид ва Носир Саидлар аксари ҳолларда ёмонлик рамзини, сатира объектини кулги, заҳарханда, мазах воситасида, «қаҳра-

мон»ни турли кулгили ҳолатларда кўрсатиб маҳв этсалар, Комил Алиев бу вазифани публицистик фельетон хусусиятларига асосланиб бошқачароқ ҳал этади. У ёмонликни, зарарли ҳодисаларни шафқатсиз, беомон фош қилиш йўли билан тўғридан-тўғри рад этади. Унинг танқиди кескин ва ҳужумкор. У синфий тўқнашувларни ўткирроқ ҳис қилади. Шу боисдан унинг фельетонларида публицистик пафос ва ҳужумкорлик руҳи устун туради. Комил Алиев кўтарилган масаланинг, қаламга олинган воқеа ва фактларнинг публицистик таҳлилига катта ўрин беради. Фельетончи публицистик таҳлил воситасида масаланинг аҳамиятини белгилайди, муҳимлигини таъкидлайди, мантиқий хулосалар ёрдамида муайян ҳодиса ёки фактнинг салбий моҳияти, ижтимоий зарарини ўқувчига англатади, вазифалар қўяди, курашга чорлайди.

Унинг кўпчилик фельетонлари тўғридан-тўғри ана шундай публицистик таҳлилдан бошланади. Эътиборингизга хотин-қизлар озодлиги мавзуида ёзилган «Тушдан кейин киратурган ақл» сарлавҳали фельетонининг бош қисмини ҳавола қиламиз: «Одамларнинг табиатига кўп йиллардан бери сингиб келган ва айни замонда ўз анъанасини йўқотишга юз тутган дин, унинг манфур соясида ясланган дин муҳиблари томонидан меҳнаткаш хотин-қизларнинг оёқларига солинган занжирни парчалаш қулайлик билан юзага чиқа қолмайди. Хотинларни жамоатдан яшириб турган девор қатламларини тор-мор келтириб, сўлғун чеҳраларни ичкаридан ташқарига бошлаб чиқиш, эскиликнинг қўланса ҳидларини аритиб янги ҳаётнинг муаттар бўйини димоғларга сингдириш албатта осонлик билан бўлмайди. Не-

гаким, биз ҳали эскилик маконини тўқис тугаллик билан емириб ташлаганимиз йўқ. Хотин-қизларнинг қуллик ҳаётидан лаззатланувчилар, эскиликнинг машъум мазоратига томон судрагувчилар, хотин-қизлар устидан кун кўрувчилар ҳамон тирик. Бизнинг бу соҳада олиб борган курашимиз, қўлга киритилган ютуқларимиз, тескари гуруҳларга берган зарбамиз етарли эмас...

Бизнинг хатти-ҳаракатимизга оёқ чолгувчилар, хотин-қизлар озодлигини ерга кўмишга интилувчилар фақатгина диндорлар, бойлар, савдогарлардан иборат эмас. Бизда шўронинг тузини ичиб, тузлуғини булғатган кўрнамаклар, қизил этикнинг қўнжини булғатувчи ҳовлиқма ойимтилалар бордирким, улар руҳонийларга назаран биз учун қўрқинчлироқ типлардир»¹.

Комил Алиев публицистик фельетонларида фельетон жанрининг фельетон-ҳикоя турида қўлланиладиган ҳикоя усулидан ҳам моҳирона фойдаланади. У бу усулни кўпроқ қаламга олинган салбий факт ёки ҳодисанинг таевирини бериш ва шу йўл билан унинг моҳиятини, ижтимоий зарарини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришда, фельетон «қаҳрамонлари»нинг хатти-ҳаракатларини ифодалашда, сатирик характер яратишда қўлланади.

Конкрет факт асосига қурилган фельетонда сатирик характер яратиш қаламкашдан катта ижодий маҳорат талаб қилади. Бундай фельетон муаллифи «қаҳрамони»нинг ташқи қиёфасини, хулқ-атворини, «фазилатлари»ни тасвирлашда уйдирма қаҳрамон ҳақида ёзаётган фельетончи ихтиёридаги эркинликдан маҳрумдир. Бундан

¹ „Қизил Ўзбекистон“, 1928, 19 июнь.

булганлиги сабабли фельетончи кенг тафсилот бериш имконига ҳам эга эмас. Комил Алиев фельетон қахрамонининг образини гавдалантирар экан, унинг ўзига хос энг муҳим хусусиятларини ифодалаш билан бирга, унинг мисолида шу қахрамон мансуб булган тоифа, гуруҳ, табақанинг ҳам энг характерли белгиларини ҳассослик билан ихчам, лўнда ифодаларда кўрсата олишга эришади. Шу маънода у қатор фельетонларида сатирик тип яратиш даражасига кўтарила олган. Чунончи, у «Мавлави» сарлавҳали фельетоннда шайх Мавлавига шундай таъриф беради: «Шайтон сурат, доғули сифатли, ўрта бўйли, ўйноқ чағир кўзли, мошкичири соқолли, 50 ёшларни урган маккор бир вужуд. Бу одам— Андижон халқининг етти ёшидан етмиш ёшигача ўзининг фаҳшлиги, қора юрак босмачиларнинг ҳомийси, эскиликнинг мужассам ҳайкали, янги ижтимоий турмушнинг тирик душмани, гуноҳсиз ўғлининг қонига ифлос қўлини ювиш билан танилган шайх Аҳмад Мавлавидир».

Комил Алиевнинг маҳорати унинг асарларига қўйган сарлавҳаларида ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Барҳаёт касбдошларининг хотирлашича, сарлавҳа танлашда «Қизил Ўзбекистон» газетаси идорасида ўша даврда хизмат қилган қаламкашлар икки журналистга тан беришган. Булардан бири идоранинг саркотиби, пешқадам ўзбек совет журналисти Аъзам Аюбов, иккинчиси шу газетанинг етакчи фельетончиси Комил Алиев булган. Газетада 20-йилларнинг иккинчи ва 30-йилларнинг биринчи ярмида эълон қилинган энг муҳим материалларнинг сарлавҳалари аксарият ана шу икки қаламкашнинг таҳрири-

журналистларини инқилоб душманлари, капиталистик урф-одатларни ташиб юрувчилар, янгиликнинг униб-ўсишига тўсиқ бўлаётган ҳодисалар ҳақида капитализмни маҳв этган «синф диктатурасининг тили билан», «революцион матбуот тили билан» ёзишга даъват этди.

Комил Алиев ўз фельетонларини ана шу революцион матбуот тили билан ёзишга интилди, ўзбек матбуоти ва сатирасида бу тилнинг таркиб топишига муносиб ҳисса қўшди. Лекин бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Комил Алиевдаги ғазабноклик баъзан ҳақоратомуз, дилозор сўзлар билан ифодаланган ҳоллар ҳам мавжуддир. Бу шубҳасиз унинг тилидаги нуқсондир. Пролетариат публицистларининг буюк мураббийси Фридрих Энгельс революцион матбуот тили ва услуби ҳақида гапириб, ҳатто энг кучли дашном, ҳақорат ҳам моҳирона ишлатилган киноя, пичинг, заҳарханда кулги қудрати олдида ўз таъсир кучи жиҳатидан ожиздир, дашном, ҳақорат— пролетар матбуоти шаънига, унинг иш ва кураш услубига ётдир, деган эди.

Комил Алиев социалистик қурилишимизга журналистик асарлари билангина эмас, жамоатчилик, ташкилотчилик фаолияти билан ҳам ҳамдамлашган қаламкашдир. У республикамизнинг ҳамма бурчакларида бўлган, ҳамма шаҳар ва қишлоқларни кезиб чиққан десак, янглишмаймиз. У ҳаммаша халқ орасида, социалистик қурилишнинг зарбдор жабҳаларида меҳнат қилаётганлар билан ҳамнафас бўлишга, уларнинг ютуқ ва эҳтиёжларини пухта ўрганишга интилар эди. Республикамизда ер-сув ислоҳоти ўтказилган кезларда у қишлоқма-қишлоқ кезиб, деҳқонларга ислоҳотнинг аҳамият ва мақсадини тушун-

тирди, «Хужум» кампанияси авжга мишган вақтларда маҳаллаларда ўтказилган қанчадан-қанча йигинларда сўзга чиқиб, юрак сўзлари билан ҳамон «ичкари»да яшаётган аёлларимизни социализм ижодкорлари сафларидан жой олишга чорлади. Қолхозчилик ҳаракатининг қудратли тўлқини мавж урган, пахта учун кураш гоят қизиган долзарб дамларда у «Қизил Ўзбекистон» идораси томонидан жойларга ёрдам учун юборилган матбуот бригадаларига бошчилик қилди, жойларда партиявий-сиёсий ва оммавий-маданий тадбирларни юзага чиқаришда катта ташкилотчилик ишларини олиб борди.

Газета идораси уни одатда шароити оғир, хатарли участкаларга юборарди. Масалан, 1929 йил кўкламида у Фарғонада, 1931 йилнинг кўклами ва 1932 йилнинг кузагида Гиждувонда, 1931 йилнинг октябрь — декабрь ойларида эса Хива районларида редакция номидан иш олиб борди. Бу районларда қулоқлар колхоз тузумига қарши айниқса қутуриб ҳужум қилган эдилар. Довжурок журналист Комил Алиев қулоқлар террори авж олган бу районларда матонат кўрсатиб меҳнат қилди, қулоқларнинг фитналарини фош этиш, уларнинг қаршичилигини бостиришда, кўкламги экин ишларини сифатли ва муддатида ўтказиш, етиштирилган пахта ҳосилини кечиктирмай йиғиб олиш учун курашни ташкил қилишда маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотларига фаол кўмаклашди, меҳнатни тўғри уюштириш, социалистик мусобақа шартларини тузиш ва жорий қилиш, хўжалик ҳисобини йўлга қўйиш, илғорлар тажрибаларини оммалаштириш сингари янги масалаларни ҳал этишда колхоз активларига маслаҳатдош бўлди; бир

қандай нәтижелерде уш бш бунго, деворни газе-
талар чиқарди, колхозчи мухбирлар постларини
ташкил этди, конкрет иш натижаларини аниқ-
лаш мақсадида жойларда оммавий рейдлар ўт-
казди.

Комил Алиев «Қизил Ўзбекистон» идораси-
нинг ишчи-қишлоқ мухбирларига маданий-сиё-
сий тарбия бериш соҳасидаги ишларида ҳам фа-
ол қатнашди. У редакциянинг топшириғи билан
Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ва
Самарқанддаги эрлар билим юртида мухбирлар
тўғараклари ташкил этиб, уларнинг фаолиятига
раҳбарлик қилди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси
ва «Мухбирлар йўлдоши» журнали саҳифалари-
да Комил Алиевнинг газетага танқидий хабар,
корреспонденцияларни, фельетонларни қандай
ёзиш тўғрисидаги мақолалари чоп этилган, га-
зета ходимлари ва мухбирлар учун ташкил
этилган семинарларда у газетачиликка оид тур-
ли хил мавзуларда лекциялар ўқиган.

Ўзининг инсонийлик ва қаламкашлик бурчи-
ни ҳамиша виждонан ўташга интилган Комил
Алиев барҳаётлигидаёқ халқнинг, қаламкаш
дўстларининг самимий ҳурмат ва эътиборини
қозонган эди. Бундан у фахрланар, аммо сира
мағрурланиб кетмас, халқ олдида ҳамиша ўзини
қарздор деб билар, камтаринлик фазилатлари-
ни сира тарк қилмасди. «Муштум» журналининг
анкетасига 1928 йилда у бундай жавоб қилган
эди: «Мендан тилак, сиздан йўғон билак. Жино-
ятчиларнинг қўйруқларига челак боғлаб, ўнг-
терсини яп-яланг қилиб элакдан ўтказмагунча
чакки босарларнинг думига бигиз суқишимни
қўймайман. Лекин фельетон ёзавериб қаламим

сув кесмас бўлиб қолган чоқларда қировини ўзингиз тўкиб қўясиз, деган умидим ҳам бор...»¹ Чакки босарлар Комил Алиевнинг қаламидан жуда чўчирдилар.

Комил Алиев 1936 йилда Сурхондарёда область газетасини ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйишда маҳаллий журналистларга ўз тажрибаси билан кўмаклашиш мақсадида Термизга ишга юборилди. У «Илғор Сурхон учун» область газета редакциясида салкам икки йил меҳнат қилиб, сўнгра яна қадрдон газетаси бағрига—«Қизил Ўзбекистон» идорасига ишга қайтди. 1939 йил 10 сентябрда оғир касаллик туфайли юз берган бевақт ўлим оташқалб қаламкаш Комил Алиевни эндигина 34 баҳорни кўрган чоғида ҳаётдан абадий олиб кетди.

Журналистнинг эл-халқ олдидаги хизматлари ҳақида «Қизил Ўзбекистон» газетаси бундай ёзган эди:

«Комил Алиев Совет Туркистони ва Ўзбекистонининг большевик матбуотида 15—16 йиллар давомида актив қатнашди.

Комил Алиев меҳнаткашлар ҳуқуқи учун, меҳнаткашлар душманларига қарши ҳормай-толмай курашди»².

Халқимиз социализм учун толмас курашчи, ўзбек миллий совет журналистикасининг йирик намояндаси, моҳир қаламкаш Комил Алиев номи, унинг эл олдидаги хизматларини ҳамиша ҳурмат билан ёдга олади ва қадрлайди.

¹ «Муштум», 1928 йил, 8-сон, 5-бет.

² «Қизил Ўзбекистон», 1939 йил, 11 сентябрь.

На узбекском языке

Т. ПИДАЕВ

ПРИРАВНИВАЯ ПЕРО К ШТЫКУ

Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1971

Редактор И. Шогуломов
Техредактор Н. Сорокина
Корректор М. Хожиметова

Теришга берилди 25/III-1971 й. Босишга рухсат этилди 2/XI-1971 й.
Қоғоз формати $84 \times 108\frac{1}{32}$. Босма листи 1,0. Шаръли босма
листи 1,68. Нашриёт ҳисоб листи 1,03. Тиражи 11960. Нашр № 228.
P02957. Заказ № 472. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётнинг босмаҳонаси.
Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

002
П 39

Пидаев Т.
Қалами найза эди.
Т. Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1971.
32 б.

Пидаев Т. Приравнивая перо к штыку.

002

85

Баҳоси 4 т.

Индекс 75423